



Фотих конуни (ёки биродаркушлик конуни) – Мехмед Фотихнинг Конунномаси (конунлар тўплами) номларидан бири. У усмонийлар тахтининг султон бўлган ворисига жамоат манфаатларида (Nizam-I Alem) – урушлар ва фитналарнинг олдини олиш учун қолган тахт ворисларини ўлдиришга рухсат берарди.

Ушбу конуннинг мавжудлиги ҳамма томонидан ҳам тан олинмасди; Мехмед айбсизларнинг ўлдирилишини конунийлаштирмаган, деган нуқтаи назар ҳам тарқалганди. Шубхаланувчиларнинг фикрига кўра, бу конунни европаликлар ўйлаб топган ва уни Фотихнинг номи билан боғлаб қўйган. Аммо, турк олимлари бундай эмаслигини исботлаб беришди.

Бундай ҳолатнинг конунийлиги (шариат меъёрларига мувофиқлиги), шунингдек, ушбу конуннинг Усмонийлар империяси тарихига таъсирига турлича баҳо берилади. Шариат конунлари айбсиз одамнинг ўлдирилишини маъқуллай олмайди, деган фикрлар айтиларди.

Конуннинг ролини ижобий баҳолаган олимлар, агар ушбу конун қўлланилган бўлса, юқори мартабали муфтийнинг фатвоси зарур эди (яъни, уни қўллаш мақсадга мувофиқлиги ҳар сафар муҳокама қилинар эди) ва мамлакат мерос олиш учун қўплаб биродарлараро урушлардан қутулиб қолган деб қўрсатади. Уларнинг таъкидлашича, ушбу конун уларнинг ҳар бири ҳукмрон сулола аъзолари орасида парчаланиб кетган бошқа туркий давлатлардан фарқли ўларок, империя яхлитлигини сақлашга имкон берган. Конуннинг ролини салбий баҳолаган олимлар, конун султонларнинг ўғиллари оталарининг ҳаёти давомида урушлар ва ғалаёнларни қўзғатган деб ҳисоблайди.

Биродаркушлик конуни **Ифодаланиши**

«Биродаркушлик конуни» Мехмед II Конунномасининг иккинчи бобидан ўрин олган. Конуннинг турли қўлёзмалардан ифодаланиши бир-биридан кичик орфографик ва стилистик фарқларга эга. Қуйида Мехмед Ариф-бей томонидан 1912 йил чоп этилган матн варианты келтирилади:

«Салтанат ўгилларимдан кайси бирига насиб этса, жамоат манфаатлари йўлида у кондош ога-иниларини ўлдириши жоиздир. Бу уламоларнинг аксарияти томонидан ҳам қўллаб-қувватланади. Улар шунга мувофиқ ҳаракат қилсин.

Оригинал матн (усм.)

ﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭ ﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭ ﻭﻭﻭﻭﻭ

Оригинал матн (турк)

Ve her kimseneye evlâdımdan saltanat müyesser ola, karındaşların Nizâm-ı Âlem için katli eylemek münasiptir. Ekser ülema dahi tecviz etmiştir. Anınla amil olalar»

Матнлар

Конунноманинг матн бўйича мос келадиган иккита рўйхати Вена шахрида жойлашган Австри миллий кутубхонасида сақланади (Cod. H. O. 143 и Cod. A. F. 547). 1650 йил 18 март санаси қўйилган қўлёзма Йозеф Хаммер томонидан айрим жойлари тушириб қолдирилган ҳолда «Султон Муҳаммад II кодекси» номи остида немис тилига таржима қилинган. Тахминан бир асрдан кейин Мехмед Ариф-бей 1620 йил 28 октябр санаси қўйилган қадимийроқ қўлёзмани «ânnppnâme-i âl-i'Os» mân («Усманийлар Кодекси») номи остида чоп эттирди. Рус тилида ушбу қўлёзма таржимаси 1990 йил чоп этилган. Хўжа Хуссайннинг Beda'î'u l-ve' â'i («Времена основания») тугалланмаган солномаси иккинчи жилди топилгунга қадар Вена кутубхонасидаги бу икки қўлёзма Конунноманинг ягона машхур рўйхатлари саналиб келган. Султон девонида раис ул-китоб (котиб) бўлиб хизмат қилган Хўжа Хуссайн усмонийлар архивларида сақланган ёзувлар ва матнлардан фойдаланган. Солноманинг нусхаси (518 бет, Nesta'î Du-Duktus, коғоз ўлчами 18 × 28,5 см, бир бета 25 сатро) 1862 йил Санкт-Петербург Осиё музейи томонидан хусусий коллекциядан сотиб олинган ва СССР Фанлар академияси Шаркшунослик институтининг Ленинград бўлинмасига тушган бўлиб, хохирги кунда ҳам шу ерда сақланади (NC 564). Ушбу қўлёзманинг биринчи факсимиле нашри узок вақт тайёргарликдан сўнг 1961 йил «Шарк халқларининг адабиёт ёдгорликлари. Матнлар. Катта серия» сериясида пайдо бўлди.

Конунноманинг яна битта, қисқарок ва тўлиқ бўлмаган рўйхати (унда биродарқушлик қонуни йўқ) Хезарфен Хюсейн-эфендининг (1691 йил вафот этган) «Усманийлар уйи қонунлари изоҳларининг қисқача мазмуни» асарида учратиш мумкин. Кириш сўзига асосан, у давлат девонхонаси раҳбари Лейсад Мехмед бин Мустафа томонидан ўқ бўлим ёки боб қилиб битилган. Қўлёзманинг пайдо бўлиш вақти Қараманли Мехмед-паша (1477—1481) буюк вазир бўлган вақтларга тўғри келади.

Тахт ворислиги

Усмонийлар давлати вужудга келганидан кейин хукмдорлар сулоласида узок вақт давомида ҳокимиятни битта хукмдордан иккинчисига тўғридан-тўғри ўтказиш йўқ эди, меросхўрни белгилаш бўйича аниқ қоидалар мавжуд эмасди. Шарқда, хусусан, дор-ул-ислом мамлакатларида, қўчманчи давр мероси сифатида, бир тизим сақланиб қолган бўлиб, унга қўра эркак сулоласининг асосчисидан қелиб чиққан эркак оиласининг барча аъзолари тенг ҳуқуқларга эга эдилар (Ekber-i-Nesebi). Султон ворис тайинламасди; хукмдор барча давогарлар ва меросхўрлардан қайси бири ҳокимиятни олишини олдиндан белгилаш ҳуқуқига эга эмаслигига ишонишган, чунки ҳокимият "тақдири ёрдам берган киши"га [Дукига қўра] ўтади. Вориснинг тайинланиши илоҳий тақдирга аралашиб сифатида талқин қилинди - "султон Аллоҳ Таоло айтади". Сулаймон исёнкор ўғли Боязидга шундай деб ёзган эди: «Келажакни Раббийга қолдириш керак, чунки шохликлар инсоннинг хоҳиш-иродаси билан эмас, балки Худонинг иродаси билан бошқарилади. Агар у мендан кейин давлатни сизга беришга қарор қилса, унга бирон бир тирик жон ҳалакит беролмайди». Амалда, тахтни даъвогар зодагонлар ва уламолар қўллаб-қувватлаган номзодлардан бири эгаллади. Усмоний манбаларида Эртоғрулнинг вафотидан кейин унинг ўқаси Дундар-бей етакчилик ва сардор унвонини талаб қилганлиги, аммо қабила Эртоғрулнинг ўғли - Усмонни афзал қўргани ҳақида далиллар мавжуд.

Салим ва Аҳмед ўртасида Енишеҳир жанги, Салимнома

Ушбу тизимда Султоннинг барча ўғиллари назарий жиҳатдан тахтга тенг ҳуқуқларга эга эдилар. Кимнинг катта ва кимнинг кичкина, унинг хотини ёки қанизагидан бўлган ўғил эканлиги муҳим эмасди. Қадимги даврлардан бошлаб, Марказий Осиё халқларининг урф-одатларига биноан, хукмдорлар барча эркак қариндошларини турли соҳаларни бошқаришга йўналтирган. Шу билан бирга, хукмрон султоннинг ўғиллари раҳбарлиги остида давлат ва армияни бошқариш тажрибасига эга бўлишарди. Санжак қаби маъмурий бирликларнинг пайдо бўлиши билан Султоннинг ўғиллари Санжакбей лавозимини эгалларди. Маъмурий ишлардан ташқари, XVI асрнинг ўрталарига қадар Усмоний шахзодалар ҳарбий тажрибага эга бўлиб, жангларда қатнашиб, қўшинларга қўмондонлик қилишган. Сулаймоннинг ўғиллари: Мехмед ва Салим 1537 йилда Дунай юришларида иштирок этишди, Салим ва Боязид 1541 йилда Буда қамалида иштирок этишди, Салим ва Жаҳонгир 1553 йилги Нахичеван кампаниясида қатнашдилар, Мустафо ҳам бу кампанияда қатнашди ва қатл этилди.

Султон вафот этганда, ким отасининг вафотидан кейин пойтахтга қелиб, амалдорлар, уламолар ва қўшинлар томонидан қасамёд қабул қилишга муваффақ бўлса, ўша янги султон бўларди. Ушбу амалиёт тажрибали ва иқтидорли сиёсатчиларнинг ҳокимиятга қилишига ёрдам берди, улар давлат элитаси билан яхши муносабатларни ўрнатиб, қўллаб-қувватлашга муваффақ бўлдилар. Султоннинг барча ўғиллари пойтахтга яқин бўлган бир санжакка тайинланишга ҳаракат қиларди. Боязид II нинг ўғиллари шахзода Аҳмад II ва шахзода Салим ва Сулаймоннинг ўғли шахзода Боязид ўртасидаги тартибсизликлар узоқроқ шаҳарга боришни истамаслиги билан боғлиқ эди. Аммо

пойтахтга якинрок бўлишдан ташкари, султоннинг у ёки бу ўглининг оркасида турган кучлар муҳим эди. Масалан, Мехмед II нинг вафотидан кейин унинг иккала ўглига (Жем ва Боязид) бу ҳақда хабар берувчи хатлар юборилди. Мехмедга хизмат килган Анджиолелло ёзганидек: "Хамма гап кимнинг пойтахтга биринчи бўлиб келишида эди"; "Ва у хазинани эгалларди", - кўшимча қилади Спандунес. Жем санжаги якинрок эди; бундан ташкари, Мехмед унга кўпроқ хайрихоҳ эди деган фикр бор эди ва бундан ташкари, уни буюк вазир ҳам қўллаб-қувватлаган. Жемнинг кейинги султон бўлиши кутилган эди, аммо Боязиднинг тарафдорлари кучлироқ эди. Муҳим лавозимларни эгаллаган (Румелия бейлербейи, Анталия санжакбейи) Боязид тарафдорлари Жемга кетаётган хабарчиларни ушлаб олишган, барча йўналишларни тўсиб қўйишган ва Жем Истанбулга кела олмаган.

Шахзодаларни санжакларга юбориш амалиёти XVI асрнинг охирида тўхтатилди. Султон Салим II (1566-1574) ўғилларидан фақат катта ўгли, бўлажак султон Мурод III (1574-1595) Манисага борган, ўз навбатида Мурод III шунингдек, фақат ўзининг тўнгич ўгли бўлажак султон Мехмед III ни (1595-1603) юборган. Санжакдаги "мактаб" бошқарувини тугатган сўнгги султон Мехмед III эди. Кейинги ярим аср давомида султонларнинг тўнгич ўғиллари Истанбулда яшаган ҳолда Маниса санжакбейи унвонини олишган.

1603 йил декабрда Мехмеднинг вафоти билан унинг учинчи ўгли, ўн уч ёшли Аҳмад I султон бўлди, чунки Мехмед III нинг икки катта ўгли тирик эмас эди. Аҳмад хали суннат қилинмаган ва қанзаклари бўлмаганлиги сабабли, меросхўрлик билан боғлиқ муаммоларни тугдирадиган ўғиллари йўқ эди ва шунинг учун Аҳмаднинг укаси Мустафо тирик қолди - анъанага зид равишда. Ўғиллари пайдо бўлганидан кейин, Аҳмад Мустафони икки марта қатл қилмоқчи эди, лекин ҳар икки сафар ҳам турли сабабларга қўра қатлни кейинга қолдирдилар. Бундан ташкари, ўз сабабларига эга бўлган Кўсем-Султон Мустафони ўлдирмасликка Аҳмадни қўндирди. Аҳмад 1617 йил 22-ноябрда 27 ёшида вафот этганида, етти ўғил ва ука қолдирди. Аҳмаднинг катта ўгли Усмон бўлиб, 1604 йилда тугилган. Уламолар, вазирлар ва яничарларнинг раҳбарлари Мустафони тахтга қўтаришга қарор қилдилар. Бу аввалги султоннинг ўғли султон эмас, балки укаси султон бўлган биринчи ҳолат эди. Ўша вақтдан бошлаб, султонлар ака-ука қатл қилмадилар, балки уларни доимий равишда қафасга қамаб қўярдилар. Ва меросхўрлар, қоидага қўра, ҳашаматли ҳолда ушлаб турилмасада, кўп шахзодалар зерикканидан ақлдан озарди ёки фоҳишабоз ва ичкиликбозларга айланарди. Бу тушунарли, албатта, чунки улар исталган вақтда қатл қилиниши мумкинлигини тушунишарди.

1876 йил Усманийлар империяси Конституцияси қабул қилинди, унга қўра тахтни мерос қилиб олиш (мероснинг каттага тегиши) де-факто мавжуд бўлган сеньорат тамойил (*ekberiyet*) де-юре бегилаб қўйилди:

«3-модда. Буюк халифа тимсолида гавдаланган Усманийлар олий ҳукумати *ab antiquo* белгиланган қоидаларга мувофиқ, Усманийлар салтанатининг катта шахзодасига тегишли»

Қўлланиши

Усмонийлар сулоласида ҳокимият учун кураш пайтида (ёки унинг оқибатида) яқин қариндошларини ўлдириш ҳолатлари, ҳар қандай сулола сингари, биринчи кунлардан бошлаб бўй берган: Усмон амакиси Дундар-бей сардорликка даъво қилгани учун қечиролмай, унинг ўлимига ҳисса қўшган. Ва, албатта, тахт учун курашда рақибини қатл этишда, ёшидан қатъий назар, унинг ҳамма ўғиллари қатл қилинарди. Мурод II дан олдин барча ҳолларда фақат айбдор шахзодалар (ва уларнинг ўғиллари): исёнчилар ва фитначилар, қуролли курашдаги душманлар қатл қилинган. Ривоятга кўра, унинг укаси Боязиднинг буйруги билан Косово майдонида Мурод I вафот этганидан кейин ўлдирилган Ёкубгина бу қатордан шу сериядан чиқади. Мурод II мутлақо айбсиз бўлган вояга етмаган (8 ва 7 ёш) ака-укаларни кўзини кўр қилишга буйруқ бериб, биринчи бўлиб жазолаган. Уни ўғли Мехмед II ортда қолдирди. Жулуздан кейин (ҳокимият тепасига қолганидан кейин) дарҳол Муроднинг бевалари Мехмедни табриқлаш учун қилишди. Улардан бири Хатидже Халиме Хатун, Жандароғуллар сулоласи вакили, яқинда Кичик Аҳмад исмига ўғил қўрганди. Аёл Мехмед билан гаплашаётганда, унинг буйруги билан Эвренос-бейнинг ўғли Али-бей Эвреносоглу қачалоқни сувга қўқтирди. Дука бу ўғлига алоҳида аҳамият берган ва уни "порфира тугилган" (отаси султон бўлганидан кейин тугилган) деб атаган. Византия империясида бундай болалар тахтни мерос қилиб олишда устувор бўлган. Бундан ташқари, онаси қул бўлган Мехмеддан фарқли ўлароқ, Аҳмад сулолалар иттифоқидан тугилган. Буларнинг барчаси ўқ ойлик қачалоқни ҳавфли рақибга айлантирди ва Мехмедни ундан қутилишга мажбур қилди. Усмонийларда тахтга ўтиргандан сўнг эҳтимолий муаммоларнинг олдини олиш учун беғуноҳ гўдақ укасини ўлдириш (қатл қилиш) амалда бўлмаган. Бабингер буни "биродарқушлик қонунининг инаугурацияси" деб атайди.

Ушбу қонун қурбонларини санаш қийин. Бу қонун қабул қилингандан кейин у тез-тез қўлланила бошлади, дегани эмас. Бироқ, баъзи бир шахзодаларнинг қўзғолонлари, уларнинг акаси ҳукмронлик қилганида ўлдирилишдан қўрқиш туфайли юз берган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, Фотих қонунининг қурбонлари шахзода Мехмед, шахзода Коркут, шахзода Аҳмет, шахзода Мустафо ва шахзода Боязидларга мурожаат қилиш мумкин эди, аммо бу барча ҳолатларда қатл этилган шахзодаларнинг ўзлари бу ёки бошқа йўл билан ўзларини айблашга олиб қелди: ё исён қилдилар, ёки фитна уюштирдилар, ёки ҳоинона қатти-ҳаракатларида гумон қилинишган, яъни улар аллақачон исёнчилар сифатида қатл этилганлар.

Усмонийлар сулола аъзоларининг қони тўқилишига йўл қўйиш мумкин эмас деган фикрни мерос қилиб олдилар, шунинг учун султонларнинг қариндошлари уларни қамон ипи билан бўғиш орқали қатл этиларди. Шу тарзда ўлдирилган султоннинг ўғиллари шараф билан, одатда вафот этган отанинг ёнига дафн этиларди. Боязид II ва Салим I тахтга ўтириш пайтида Фотих қонунини қўлламадилар, чунки ака-укалар билан алоқалар қўлларидagi қурол-яроғ билан ҳал қилганлар, Сулаймон I дан фақат битта ўғил - Салим II тирик қолди, шунинг учун Фотих қонуни соф қўринишда 1574 йилда Мурод III ҳукмронлигидан бошлаб 1640 йилда Мурод IV вафотигача амал қилган:

«...султон Мурод <...> кўзларида ёш билан, соқовларни жўнатди в уларга укаларини ўз қўллари билан ўлдиришни топширди, уларнинг етакчисига 9 та рўмол берди».

Салим III нинг ўғли Мурод III, 1574 йил тахтга ўтирганда Фотих қонунига кўра вояга етмаган беайб укаларини қатл этиш ҳуқуқидан фойдаланди. Қатл этилганар сони бешта

(Алдерсон), олтита (Пирс) ёки тўққизтага (Финкель шахзода Муроднинг «учинчи табиби» га хавола қилган холда) тенг деб баҳоланади. Бундан ташқари, Муроднинг бир нечта қанизақлари қатл этилди.

Мурод III нинг ўғли Мехмед III тахтга чиққанида барча вояга етмаган укаларини қатл этиш ҳақида буйруқ беради. Унинг 19 та укаси бор эди. Уларнинг ҳаммаси суннат қилишга олиб кетиляпти деб айтилди, лекин оқибатда битта қўймай бўғиб ўлдирилди. Ўз ўғиллари томонидан фитнадан қўрққан Мехмед шахзодаларни мамлакатни бошқариш саноатини ўрганиши лозим бўлган санжақларга жўнатмасдан, шахзодалар амалда ташқи дунёдан узилиб қолган султон саройи ҳудудида ушлашни одат қилиб олди.

Симон Контарини маълумотида қўра, Мехмед III нинг қатта ўғли Аҳмед III Мустафони қатл қилиш ҳақида 2 марта буйруқ беради, лекин иккала сафар ирим-чиримларга ишонадиган султонни буйруқни бекор қилишга мажбур этган қўнгилсиз ходисалар рўй беради. Бир сафар бу қучли қорин оғриғи, бошқа сафар эса – сарой узра қучли бўрон қўтарилиши бўлди.

Аҳмаднинг ўғли Усмон укаси Мехмедни қатл қилишни буюрди. Усмон унинг йўқлигида Мехмед султон бўлади деб қўрққан, унинг шахсан Мехмедга қарши ҳеч қандай даъвоси йўқ эди. Тез орада Усмоннинг ўзи тахтдан ағдарилди ва ўлдирилди.

Мурод IV қаида иккита укасини қатл қилишни буюрди (Алдерсонга қўра, тўртта). Ўдақликдан ўтган ўғиллари бўлмаганига қарамай, Мурод сўнги укасини ва ягона вориси Иброҳимни қатл қилишни буюрди. Аммо Иброҳимни онаси сақлаб қолди ва Иброҳим Муроднинг ўрнига тахтга ўтирди. Иброҳим кейинроқ, яничарлар қўзғолонидан сўнг тахтдан ағдалиришидан кейин ўлдирилган.

Кейинчалик Фотих қонуни бошқа қўлланмади. Ҳисоб-қитобларга қўра, бутун Усмонилар тарихи давомида 60та шахзода қатл қилдирилган. Шундан 16 таси исён қўтаргани учун ва 7 таси қўзғолонга ҳаракат қилгани учун. Қолган барча – 38 та шахзода – умумий манфаатлар йўлида ўлдирилди.

Тобут устига салла қўйишарди. Беайб қатл этилган шахзодалар одатда отасининг ёнига дафн этиларди.

Баҳолаш

Биродарқушлиқ ва Фотих қонунининг роли турлича баҳоланади. Нуқтаи назарлардан бирига қўра, биродарқушлиқ султонларнинг вафотидан кейин Усмонийлар империясини фуқаролар урушларидан қутқарди ва империянинг яхлитлигини сақлашга ёрдам берди - бундан олдин мавжуд бўлган турк давлатларидан фарқли ўлароқ.

Бошқа томондан, Жем ва Боязид урушдан қочиқ қутила олмади. Боязид II ўғиллари – шахзода Аҳмет ва шахзода Салимнинг қўзғолонлари, уларнинг ҳар бири Фотих қонунига биноан ўлдирилишидан қўрқиш билан изохланади. Султоннинг ўғли юборилган санжақ рақибидан анча узокроқда жойлашганлигини англаб, исённи бошлади. Сулаймон ўғилларининг қожиаси ҳам ушбу қонун билан қўзғатилган. Фотих қонунининг қурбонлари сифатида шахзода Мустафа ва шахзода Боязидни ҳам қелтириб ўтиш мумкин. Сулаймоннинг ўлимидан кейин ҳеч қандай фуқаролик уруши бўлмаган, аммо

унинг ўғиллари унинг хаёти давомида курашишга муваффақ бўлишган. Яъни "хукмронлик килиш ёки ўлиш" танлови султонларнинг ўғилларига босим ўтказиб, уларни хукмронлик килиш учун барча чораларни кўришга мажбур килди.

Фотих конуний – бу уйдирма деган нуктаи назар ҳам мавжуд. XX асргача Фотих конунидан иборат факат битта Конуннома нусхаси мавжуд бўлганлиги ва ушбу нусханинг Венада сакланганлиги кодекс гарб томонидан ўйлаб топилган уйдирма деб гапиришга асос берди. Бирок тадқиқотлар давомида бошқа нусхалар ҳам аниқланди. Тарихчилар Халил Иналджик ва Абдулкадир Озджан Конуннома Фотих томонидан яратилгани, лекин бизнинг кунларгача факат Фотихнинг ўғли (Боязид II) хукмронлик даврига оид нусхалари етиб келганлигини кўрсатдилар.

Баъзи замонавий олимлар, ҳеч қандай айб қилмаган, кўзғолон кўтармаган ва фитначилар билан ёзишмалар олиб бормаган шахзодаларнинг катл қилиниши ноқонуний бўлган ва шариат қоидаларини бузган деб ҳисоблашади. Айбсиз одамни келажакда қилиниши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олиш учун жазолаш айбсизлик презумпциясига мувофиқ конунга зиддир. Аммо Усмонилар (Шариат) конунлари аксарият қоидаларда айбни исботлаш зарурлигини инкор этмади. Айбсиз одамнинг катл этилиши факат "зарари қами танланади" сифатида қонуний (асосли) деб тан олинган ва бу нуктаи назар маслаҳат тамойилига асосланган эди. "Маслаҳа" жамоат фаровонлигини шахсий манфаатдан устунлигини аниқлатади. Қуръонга биноан фитна (тартибсизлик, исён, кўзғолон) одамни ўлдиришдан ҳам баттарроқдир, шунинг учун Ислом конунларининг баъзи тафсирчилари айбсиз одамни умумий манфаати учун ўлдиришга рухсат беришига ишонишади. "Фитна қотилликдан ҳам баттарроқдир" (Қуръон 2: 217). Ҳар бир бундай ҳатти-ҳаракатларга қатъиярнинг "рухсатномаси" қерак эди, ҳолбуки конунни шарҳлаш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган турли уламолар вазият ва нуктаи назарни бошқача тушунишган. Масалан, Усмоний султонлардан бири Усмон II кўзғолоннинг олдини олиш учун Хотинга қетишдан олдин ўз уқасини катл қилишни хоҳлади. Биринчидан, Усмон шайхулислом Ислом Хожазода Эсад-афандига мурожаат қилди, аммо у султонга рад жавобини берди. Кейин Усмон қозинаскар Румелия Ташопрјузаде Мехмед-афандига мурожаат қилди, у шайхул Исломдан бошқа ҳукм қиларди ва шахзода Мехмеднинг қатл қилинишига рухсат берди.

Ханбалий олимлардан бири бўлган Қарми (1624 йилда вафот этган) Фотих конунини "Усмонли Империясининг қучи [қазилати]" деб атаган. Инқироз ва урушнинг олдини олиш учун ўғиллари ёки ака-укаларининг ўлдирилишини тасдиқлаган Қарми конунни жуда қўйдали деб таъкидлади, қолганларини сақлаб қолиш учун уқ қишининг қатлига қатъо беришни ақзал кўришини айтди. Қарми, ўз нуктаи назарига кўра, превентив биродарқушлик йўқлиги сабабли вафот этган Мароқаш султонлиги (Саадита сулоласи) мисолида ўз позициясини тушунтиради.

Абу Мулим таржимаси